

## **ТАЖОВУЗКОРЛИК-ЎСМИРЛАРДА ЗАМОНАВИЙ ПСИХОЛОГИК МУАММО СИФАТИДА**

Аракулов Гайрат Тулкинович-Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон

Миллий Университетининг Жиззах филиали ўқитувчиси

[arakulov.gayrat@gmail.com](mailto:arakulov.gayrat@gmail.com)

**Аннотация:** Ушбу мақолада ўсмирларда тажовузкорликнинг замонавий психологик муаммо сифатида баҳоланишига оид илмий таҳлиллар келтириб ўтилган.

**Калит сўзлар:** Ўсмирлик даври, агрессия, тажовузкорлик, кризис, ўтиш даври, хулқ-атвор.

Мамлакатимиз Президенти Ш.М.Мирзиёев Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нутқида ўсиб келаётган ёш авлод тўғрисида фикр билдирар экан жумладан, “Ҳар қандай давлатнинг тарихий тараққиёт йўлидан маълумки, юртнинг жадал ривожланиши, муайян ютуқларга эришиши, халқнинг фаровон бўлиши ўша давлатда ёшлар таълим - тарбияси ва келажагига бериладиган эътибор даражасига чамбарчас боғлиқ. Шу маънода, Ўзбекистонда ёшлар масаласи давлат сиёсатининг энг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади” – дейди Ўзбекистон Республикаси бош раҳбари.

Маълумки ҳар қандай давлатнинг барқарор тараққиётини таъминлашда асосий пойдевор бу - инсон омили, унинг интеллектуал салоҳияти билан узвий боғлиқ. Шу нуқтаи-назардан, мамлакат ахолисининг катта қисми замонавий билим ва кўниқмаларга эга ёшлардан иборат эканлигини инобатга олган ҳолда, мазкур қатламнинг ижтимоий-иқтисодий ва бошқа соҳалардаги манфаатларини ҳимоя қилиш ва кузатилаётган долзарб масалаларнинг назарий ва амалий жиҳатдан ечимини топиш кун тартибидаги муҳим масалалардан саналади десак муболаға бўлмайди.

Дарҳақиқат, сўнги вақтларда ўсмирлар орасида турли салбий кўринишдаги иллатлар пайдо бўлмоқда. Жумладан, ўсмирлар орасида салбий руҳдаги жангари фильмлар оммалашуви, ижтимоий тармоқлар орқали салбий руҳдаги “Челлендж” (видеокамерада вазифани бажарии, уни ижтимоий тармоқча жойлаштириши ҳамда бу вазифани дўстига ёки

*фойдаланувчиларининг чексиз доирасига тақорлашини тақлиф қилиши) каби салбий одатлар шаклланмоқда. Ушбу харакатлар оқибатида хуқуқбузарлик ҳолатларини учраши ҳоллари, ўсмирлар ўртасида агрессив хулқ-атвор характери кўринишидаги низоли вазиятлар ривожланиши ёки жангари руҳдаги видеоролик ёки фильмларни мунтазам кузатиб бориш оқибатида ўткир тифли совуқ қуролларни ўзи билан олиб юриш ва ундан мунтазам фойдаланишга уриниш ҳоллари ўсмирлар орасида оммалаашмоқда. Ушбу харакатларнинг барчасини замирида тобелик оқибатида вужудга келадиган тажовузкорлик-агressия ётади.*

Тажовузкорлик-агressия тушунчаларини янада кенгроқ таҳлил этиш мақсадида бу борада илмий ёндошган олимлар фикрига мурожаат қилиш мумкин. Агрессиянинг хилма-хил таърифлари мавжуд бўлиб, улар қўйидагилардан иборат: *a)* Бошқаларга хавф солувчи ёки зиён етказувчи ҳар қандай хулқ-атвор агрессия деб аталади (Басс). *в)* Бошқаларни ҳафа қилиш, уларга зиён етказиш нияти бўлган хатти-харакатлар агрессия деб аталади (Берковиц). *с)* Бошқаларга жисмоний зарар етказиш нияти билан амалга оширилган ҳаракатлар агрессия деб аталади. (Зильман). Ушбу таърифларга асосланиб, шартли равишда агрессив хулқ-атворни мотивацион агрессия турига бўлиш мумкин. Агрессия - мотивацион фаолият сифатида норма ҳамда қоидаларни бузиш, атрофидагиларга зарар ва азоб-уқубат келтириш деб тушунилади. Шу ўринда инструментал ҳамда ғараз билан қилинган (*олдиндан ўйланган*) агрессия типлари ҳам фарқланади:

- Инструментал агрессия - Инсон агрессив ҳаракат қилишни ўз олдига мақсад қилиб қўймайди, балки бу шароит билан боғлик ҳолда юзага келади. Айни ҳолда мотив мавжуд бўлади, лекин англанмаган тарзда намоён бўлади.

- Ғаразлик билан қилинган (*олдиндан ўйланган*) агрессия - Агрессив хулқ атвор яъни зарар ёки зиён етказишга қаратилган хатти-харакатлар англанган мотив асосида амалга оширилади.

Юқоридаги таърифлардан фарқли ўлароқ Агрессия ҳақида В.Клайн ўзгача ёндошган яъни, у агрессивликнинг салбий жихатларини инкор этмаган ҳолда агрессияда “маълум маънодаги соғлом жиҳатлар” ҳам мавжуд бўлиши, улар фаол ҳаёт кечириши учун асқотиши мумкинлигини эътироф этади. Агрессия ва агрессивлик тушунчаларини бир-биридан ажратиб таҳлил қилиш лозимдир. Агрессия бу одамлар, одамлар гуруҳига нисбатан жисмоний ва

рухий заар өтказишига қаратилган индивидуал ёки жамоавий хатти-харакатлар мажмуи бўлиб ҳисобланади. Агрессивлик эса шахснинг нисбатан барқарор хусусияти бўлиб, у агрессияга тайёргарликни ифодалаш билан бирга душманлик асосида бошқаларнинг хулқ-атвори, хатти-харакатини қабул қилиш ва тушунишга мойилликни билдиради. Агрессивлик барқарорлик кучи ҳамда шахс тузилишининг бир қисми сифатида хулқ-атворнинг умумий тенденциясини олдиндан аниқлаш имкониятига эга бўлади. Демак, агрессия - бу жисмоний ёки руҳий заар өтказишига йўналтирилган ҳар қандай хулқ-атвор шаклидир.

Хозирги кунда ўсмирлар орасида учрайдиган тажовузкорлик-агressия ёш жихатлари билан бир қаторда “ўтиш даври”га ҳам алокадор жараён ҳисобланиб, бу даврда ўсмир, катта ёшдагиларга тақлид қилиш ҳаракатлари билан характерланади. Ўсмир нафақат физиологик балки психологик тарафдан ҳам ўзгаради. Ўсмирлик давридаги тажовузкорлик ички безовталик ва ҳис-туйғуларини жиловлай олмаслик белгисидир. Аксарият ота-оналар боланинг тажовузкор хатти-харакатларида ўзларини айбдор ҳисоблайдилар. Шубҳасиз кўп нарса оиласа боғлиқ. Илгари у қадар кенг эътибор қаратилмаган агрессия муаммоси нега хозирги кунда кенг жамоатчилик муаммосига айланиб бормоқда деган савол туғилади. Чунки ташқи томондан бўлаётган салбий таъсирлар, салбий маълумотларни қабул қилиш манбалари ортиб бормоқда. Интернет (*ижстимоий тармоқлар*), гаджет ва телевизордан қабул қилинаётган салбий маълумотлар ота-она ва фарзанд ўртасида зиддиятлар юзага келишига сабаб бўлади. Оддий мисол тариқасида ёш боланинг қўлидан телефон, планшет ёки ноутбукни тортиб олсангиз уни сизга бўлган тажовузкорона реакциясига дуч келасиз. Бошқача қилиб айтганда бугунги ахборот технологиялари асрида ўсмирларда ахборот қабул қилиш жараёни жадаллик ва тезкорлик билан амалга ошмоқда, жумладан деярли ҳар бир ўсмирда замонавий смартфон телефонлари мавжуд бўлиб, улар хоҳлаган вақтида смартфони орқали интернет тармоғидан турли хилдаги маълумотлар олиши ёки жангари фильмлар (*қизиқишига қараб*) ва шу руҳдаги онлайн интернет ўйинларини юклаб олишлари мумкин. Ушбу салбий руҳдаги маълумотларни қабул қилишлари орқали уларда агрессивлик ва хавотирланиш даражасини ошиб кетиши кузалиши мумкин.

Ушбу ижтимоий муаммо сифатида қаралаётган масалани ечими сифатида кенг жамоатчилик, тажрибали илм аҳли, малакали педагог ва психологлар томонидан тавсиялар ишлаб чиқиши, бу борада илмий ишлар олиб бориш ҳамда уни ижтимоий тармоқлар оқали профилактика мақсадида ёритиб бориш лозим деган хуносага келиш мумкин. Бунинг натижасида ўсмиirlар қатламига нисбатан эътибор янада ортади, ўсмиirlарнинг психологик хусусиятлари ўрганилади, таҳлил қилинади ҳамда улар руҳиятидаги турли муаммоларнинг амалий ечими хусусида баҳс юритилади дейиш мумкин. Бундан ташқари илмий изланишлар натижасида юзага келган тавсиялар дарсликларга киритилиб, келажакда ўсмиirlар билан психокоррекцион, психопрофилактик, психоконсультацион ишларни ташкил этишда дастурул амал бўлиб хизмат қиласи.

## **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

1. Ш.М.Мирзиёев. БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нутқидан.
2. «Психология агрессивного поведения» Е.Ильин, Питер, 2014 г.
3. «Агрессия у детей и подростков» Н.М.Платоновой 2006г, ISBN 5-9268-0290-3
4. «Агрессивность детей и подростков» Ю.Б Можгинский, 2008 ISBN: 978-5-89353-246-3
5. «Воспитание с любовью и логикой» В. Клейн, 2007 ISBN 978-966-651-404-5
- 6.Аракулов, Г. (2022). Pedagogik va psixologik mashg ‘ulotlar mакtabgacha yoshdagi bolalarda muhim fenomen sifatida. Современные тенденции инновационного развития науки и образования в глобальном мире, 1(3), 54-56.
- 7.Аракулов, Г. (2022). Факторы, влияющие на формирование агрессии у подростков. Современные тенденции инновационного развития науки и образования в глобальном мире, 1(3), 106-109.
- 8.Yuldashev, S., & Arakulov, G. (2023). ETHNOPSYCHOLOGICAL CHARACTERISTICS OF AGGRESSIVE BEHAVIOR IN FAMILY DISPUTES. International Journal of Contemporary Scientific and Technical Research, (Special Issue), 81-88.

- 9.Холова, М., & Аракулов, Г. (2022). Zamonaviy bilimlarni egallashda pedagogik psixologiyaning ahamiyati. *Современные тенденции инновационного развития науки и образования в глобальном мире*, 1(4), 219-221.
- 10.Yuldashev, S. (2021). THE PEDAGOGICAL ESSENCE OF THE PROFESSIONAL ACTIVITY OF A TEACHER IN MILITARY EDUCATION. *International Journal of World Languages*, 1(2).
- 11.Sunatullaevna, K. A., & Axmedovich, R. O. (2022). Internet is a depression. The benefits and harms of cyberspace on the human psyche. *Eurasian Scientific Herald*, 5, 69-73.
- 12.Salim о‘g‘li, Y. U. (2022). PSIXOLOGIK AXBOROT XAVFSIZLIGI. *International Journal of Contemporary Scientific and Technical Research*, 66-72.
- 13.Shavkatovna, N. B. (2022). AXBOROT TEXNOLOGIYALARI BILAN ISHLOVCHI SHAXSLARNING PSIXOLOGIK XOLATINING PATOLOGIYASI. *International Journal of Contemporary Scientific and Technical Research*, 658-662.
- 14.Ибайдуллаева, У. (2022). РОЛЬ СЕМЬИ В ПРЕДОТВРАЩЕНИИ КОНФЛИКТОВ МЕЖДУ ПОДРОСТКАМИ. *Решение социальных проблем в управлении и экономике*, 1(7), 81-83.
- 15.Ibaydullayeva, U. (2022). OILADA FARZAND TARBIYASINING IJTIMOIY-PSIXOLOGIK XUSUSIYATLARI. *Журнал Педагогики и психологии в современном образовании*, 2(6).
- 16.Устин, П., Турсунқурова, Ф., & Санаев, А. (2022). Советы психологов, как сделать школьника более ответственным в учебе. *Zamonaviy innovatsion tadqiqotlarning dolzarb muammolari va rivojlanish tendensiyalari: yechimlar va istiqbollar*, 1(1), 430-433.
- 17.Равшанов, О. (2022). Конфликты между учителем и учениками и способы их решения. *Zamonaviy innovatsion tadqiqotlarning dolzarb muammolari va rivojlanish tendensiyalari: yechimlar va istiqbollar*, 1(1), 508-511.
- 18.Axmedovich, R. O. (2022). GLOBALLASHGAN AXBOROT DAVRI VA SHAXSNING AXBOROT-PSIXOLOGIK XAVFSIZLIGI. *International Journal of Contemporary Scientific and Technical Research*, 38-44.
- 19.Komilova, A., & Adilova, M. (2023). AGRESSIYA–OSMIRLARDA YUZAGA KELADIGAN TAJOVUZKORLIK RIVOJLANISHIGA TASIR ETUVCHI FENOMEN SIFATIDA. *Журнал Педагогики и психологии в современном образовании*, 3(1).

20. Adilova, M. (2023). THE PSYCHOLOGICAL EFFECT OF TRAPS IN THE SOCIAL NETWORK ON YOUTH MIND AND SPIRITUALITY. Open Access Repository, 4(2), 500-505.
21. Каршибоев, С. (2022). Yosh yetakchining rahbarlikka xos psixologik jihatlari. *Современные инновационные исследования актуальные проблемы и развитие тенденции: решения и перспективы*, 1(1), 464-467.
23. Yo'ldoshyev, S., & Jo'lmurowodov , O. (2023). PSIXOLOGIK SALOMATLIK QADRIYAT SIFATIDA. *Журнал Педагогики и психологии в современном образовании*, 3(3), 3-7. извлечено от <https://ppmedu.jdpu.uz/index.php/ppmedu/article/view/8481>
24. Yo'ldoshyev, S., & Fayzullayeva, M. (2023). STRESSNI KELIB CHIQISH SABABLARI VA ZAMONAVIY PSIXOLOGIK YECHIMLARI. *Журнал Педагогики и психологии в современном образовании*, 3(3), 8-14. извлечено от <https://ppmedu.jdpu.uz/index.php/ppmedu/article/view/8482>
25. Sardorbek Yo'ldoshyev, Gulshona Sultonaliyeva, SUITSIDAL HOLAT VA UNING KELIB CHIQISH SABABLARI, *Журнал Педагогики и психологии в современном образовании: Том 3 № 1 (2023): Zamnaviy ta'linda pedagogika va psixologiya fanlari*
26. Sardorbek Yo'ldoshyev, Madina Bosimova, ZAMONAVIY PSIXOLOGIYANING PEDAGOGIKA BILAN UZVIY BOG'LIQLIGI, *Журнал Педагогики и психологии в современном образовании: Том 3 № 2 (2023): Zamnaviy ta'linda Pedagogika va psixologiya fanlari*
27. Sardorbek Yo'ldoshyev, Sarvinoz Otaqulova, SHAXSDA QOBILYATLAR RIVOJLANISHINING INDIVIDUAL PSIXALOGIK XUSUSIYATLARI, *Журнал Педагогики и психологии в современном образовании: Том 3 № 2 (2023): Zamnaviy ta'linda Pedagogika va psixologiya fanlari*
28. Sardorbek Yo'ldoshyev, Gulshona Sultonaliyeva, O'QUVCHI XULQ-ATVORNING PSIXOLOGIK KORREKSIYASI, *Журнал Педагогики и психологии в современном образовании: Том 3 № 2 (2023): Zamnaviy ta'linda Pedagogika va psixologiya fanlari*
29. Norbekova, B. (2022). O 'roqboyeva M. Maktabgacha ta 'limda psixologik xizmatni tashkil etishning o'ziga xos jihatlari. Zamnaviy innovatsion tadqiqotlarning dolzarb muammolari va rivojlanish tendensiyalari: yechimlar va istiqbollar, 1(1), 481-483.
30. Norbekova, B. (2021). Socio-Psychological Characteristics of National Character. *EPRA International Journal of Multidisciplinary Research (IJMR)-Peer Reviewed*, 7(1).

- 31.Норбекова, Б. 2021. Духовное воспитание - как основа психологического воспитания. *Общество и инновации*. 2, 10/S (ноя. 2021), 105–109.
- 32.Норбекова, Б. (2021). Духовно-нравственный образ семьи. *Общество и инновации*, 2(2/S), 123-128.
- 33.NORBEKOVA, B. (2021). Жамият ва инновациялар—Общество и инновации—Society and innovations.
- 34.Норбекова, Б. (2020). МИЛЛИЙ ХАРАКТЕР ШАКЛЛАНИШИНГ ИЖТИМОЙ-ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ. *Научно-просветительский журнал "Наставник"*.
- 35.Arakulov, G. (2023). O'SMIR YOSH QATLAMIDAGI BOLALARDA AGRESSIYA VA UNING SABABLARI. Журнал Педагогики и психологии в современном образовании, 3(2). извлечено от <https://ppmedu.jdpu.uz/index.php/ppmedu/article/view/8474>
- 36.Yo'ldoshyev, S., & Otaqulova, S. . (2023). SHAXSDA QOBILYATLAR RIVOJLANISHINING INDIVIDUAL PSIXALOGIK XUSUSIYATLARI. Журнал Педагогики и психологии в современном образовании, 3(2). извлечено от <https://ppmedu.jdpu.uz/index.php/ppmedu/article/view/8473>
- 37.Маджидов, Д. Б., & Шарофиддинов, А. (2017). Социальный интеллект как совокупность способностей, обеспечивающих адаптацию личности в обществе. In *Актуальные вопросы современной психологии* (pp. 22-24).
- 38.Majidov, J. (2021). ШАХСГА ТИЗИМЛИ ЁНДАШИШДА ҚАДРИЯТЛАРНИНГ ЎРНИ. Журнал Педагогики и психологии в современном образовании, (3). извлечено от <https://ppmedu.jspi.uz/index.php/ppmedu/article/view/4325>
- 39.Majidov, Jasur Baxtiyarovich (2022). SOTSIAL INTELLEKT VA UNING INSON HAYOTIDAGI O'RNI. Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences, 2 (2), 608-613.
- 40.Жасур, М. (2022). ГЕНДЕР УСТАНОВКАЛАРИ ВА ИЖТИМОЙЛАШУВ ЖАРАЁНИНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИГИ. *Involta Scientific Journal*, 1(6), 69-77.
- 41.Majidov, J. (2022). ЎСМИРЛИК ДАВРИГА ХОС СУИЦИДАЛ ХУЛҚНИНГ АЙРИМ САБАЛЛАРИ. Журнал Педагогики и психологии в современном образовании, 2(7). извлечено от <https://ppmedu.jspi.uz/index.php/ppmedu/article/view/5766>